

**НАВОИЙ ДАВЛАТ КОНЧИЛИК ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.17/30.12.2019.Т.06.01  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**НАВОИЙ ДАВЛАТ КОНЧИЛИК ИНСТИТУТИ**

**ТУХТАШЕВ АЛИШЕР БАХОДИРОВИЧ**

**ҚИЗИЛҚУМ ҲУДУДИДАГИ КИЧИК МАСШТАБЛИ ОЛТИН  
МАЪДАНЛИ КОНЛАРНИ ОЧИҚ УСУЛДА ҚАЗИБ ОЛИШ  
ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ТАДҚИҚ ҚИЛИШ ВА ИШЛАБ ЧИҚИШ**

**04.00.10 – Геотехнология (очик, ер ости ва қурилиш)**

**Техника фанлари доктори (DSc) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Навоний – 2021**

**Докторлик диссертацияси автореферати мундарижаси**  
**Оглавление автореферата докторской диссертации**  
**Content of the abstract of doctoral dissertation**

**Тухташев Алишер Баходирович**

Қизилқум худудидаги кичик масштабли олтин маъданли конларни очик  
усулда қазиб олиш технологиясини тадқиқ қилиш ва ишлаб чиқиш.....3

**Тухташев Алишер Баходирович**

Исследование и разработка технологии отработки мелкомасштабных  
золоторудных месторождений Кызылкумского региона открытым  
способом.....27

**Tukhtashev Alisher Bakhodirovich**

Research and development of technology for open-pit mining of small-scale gold  
deposits in the Kyzylkum region.....51

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works.....55

**НАВОИЙ ДАВЛАТ КОНЧИЛИК ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.17/30.12.2019.Т.06.01  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**НАВОИЙ ДАВЛАТ КОНЧИЛИК ИНСТИТУТИ**

**ТУХТАШЕВ АЛИШЕР БАХОДИРОВИЧ**

**ҚИЗИЛҚУМ ҲУДУДИДАГИ КИЧИК МАСШТАБЛИ ОЛТИН  
МАЪДАНЛИ КОНЛАРНИ ОЧИҚ УСУЛДА ҚАЗИБ ОЛИШ  
ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ТАДҚИҚ ҚИЛИШ ВА ИШЛАБ ЧИҚИШ**

**04.00.10 – Геотехнология (очик, ер ости ва курилиш)**

**Техника фанлари доктори (DSc) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Фан доктори (Doctor of Science) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2020.4.DSc/T394 рақам билан рўйхатга олинган.**

Докторлик диссертацияси Навоий давлат кончилик институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.ndki.uz](http://www.ndki.uz)) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталига ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий маслаҳатчи:**

**Мислибаев Илхом Туйчибаевич**  
техника фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Умаров Фарходбек Яркулович**  
техника фанлари доктори, доцент

**Кулнияз Серик Сагинович**  
техника фанлари доктори, профессор

**Наимова Рано Шукуровна**  
техника фанлари доктори, доцент

**Етакчи ташкилот:**

**«Олмалиқ кон-металлургия комбинати» АЖ**

Диссертация ҳимояси Навоий давлат кончилик институти ҳузуридаги DSc.17/30.12.2019.T.06.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 210100, Навоий шаҳри, Ғалаба шоҳ кўчаси, 127-уй. Тел.: 0 (436) 223-23-32; факс: 0 (436) 223-49-66; e-mail: [info@ndki.uz](mailto:info@ndki.uz), [nsmi@gmail.com](mailto:nsmi@gmail.com)).

Диссертация билан Навоий давлат кончилик институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 210100, Навоий шаҳри, Ғалаба шоҳ кўчаси, 127-уй, Тел.: 0 (436) 223-23-32; факс: 0 (436) 223-49-66.

Диссертация автореферати 2021 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2021 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_ рақамли реестр баённомаси)

**Қ.С.Санақулов**

Илмий даражалар берувчи  
Илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

**Ш.Ш.Заиров**

Илмий даражалар берувчи  
Илмий кенгаш илмий котиби, т.ф.д., профессор

**И.Т.Мислибаев**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги  
Илмий семинар раиси, т.ф.д., профессор

## **КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳонда йирик ҳажмдаги конларнинг олтин захиралари тугаб бориши билан ўртача ҳажмдаги ва кичик масштабли кам қувватли олтин таркибли руда танали конларини қазиб олиш зарурати туғилади. Кичик масштабли конларда маъдандаги олтин миқдорининг нисбатан камлиги уларни разведка қилиш зарурати ва саноат ҳажмида қазиб олишни ҳамда баъзи рангли ва ноёб металллар нархининг ўсиши кичик ўлчамли олтин маъданли конларни эксплуатация қилишга бўлган эътиборни оширди. Шу сабабли кичик масштабли олтин маъданли конларни очик усулда қазиб олиш технологиясини тадқиқ қилиш ва ишлаб чиқиш муҳим аҳамиятга эга.

Дунёда кичик кончилик корхоналари томонидан кичик масштабли конларни қазиб олиш, уларни разведка қилиш, топилган захираларни геологик-иқтисодий баҳолаш, захиралар категориясини ўзгартириш, захираларни қайта тасдиқлаш, кон ишларини олиб бориш йўналишларини танлаш, қазиб олиш технологияси, маъдан қазиб олишни ташкил этиш ҳамда қайта ишлашни лойиҳалаштириш масалаларини ечиш бўйича илмий изланишлар олиб борилмоқда. Бу борада, минерал хомашё базаси комплексини ривожлантириш, захиралари бўйича кичик масштабли фойдали қазилма конларини қазиб олиш кўламининг кенгайтириш ва кичик масштабли олтин маъданли конларни очик усулда қазиб олиш технологиясини ишлаб чиқишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикада кичик масштабли олтин маъданли конларни қазиб олиш, Ауминзо-Амантай маъданли майдонидаги кичик масштабли олтин маъданли конларни қазиб олувчи ва қайта ишловчи комплекс қуриш инвестицион лойиҳасини амалга ошириш, кичик масштабли олтин маъданли конларини излаш ҳамда конларни қазиб олиш технологиясини такомиллаштириш бўйича илғор илмий асосланган чора-тадбирларни жорий қилиб, бир қатор илмий-амалий натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарорида «иқтисодиётни янада ривожлантириш ва либераллаштириш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш учун инвестицияларни жалб қилиш учун қўшимча шарт-шароитлар яратиш ва кон-металлургия саноатидаги йирик корхоналарнинг рақобатбардошлигини ошириш...»<sup>1</sup> муҳим вазифалар белгиланган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда, кон захиралари бўйича ўрта ва йирик бўлмаган конларни қазиб олиш, маъданнинг минимал йўқотилиши ва аралашувини таъминловчи кичик масштабли маъдан танасини қазиб олишнинг оптимал вариантини ишлаб чиқиш ва кичик масштабли олтин маъданли конларни қазиб олиш технологиясини ишлаб чиқиш илмий аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси», 2015 йил 4 мартдаги ПФ-4707-сон «Ишлаб

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 январдаги ПҚ-4124-сон «Кон-металлургия тармоғи корхоналари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари» тўғрисидаги қарори

чиқаришни структуравий қайта тузиш, модернизациялаш ва диверсификациялашни таъминлаш бўйича 2015-2019 йилларга мўлжалланган чора-тадбирлар дастури» тўғрисидаги Фармонлари ва 2019 йил 17 январдаги ПҚ-4124-сон «Кон-металлургия тармоғи корхоналари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг Республика илм-фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мувофиқлиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг VII. «Ер тўғрисидаги фанлар (геология, геофизика, сейсмология ва минерал хом ашёларни қайта ишлаш)» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи<sup>2</sup>.**

Кичик масштабли конлардаги фойдали қазилмаларни очик усулда қазиб олиш ҳамда уларни қазиб олишнинг замонавий ва анъанавий технологиясини тадқиқ қилишга йўналтирилган илмий тадқиқотлар дунёнинг етакчи илмий-тадқиқот марказларида ва олий таълим муассасаларида, жумладан: Миллий тадқиқот технологик университети «МИСиС» (Россия), Урал давлат кончилик университети (Россия), Technische Universität Bergakademie Freiberg (Германия), School of mining and technology of South Dakota (АҚШ), Der Berguniversität Leoben (Австрия), Mining University in Xiuzhou (Хитой), L'école supérieure De montagnes de Paris (Франция), Institute of materials, minerals and mining (Буюк Британия), Rheinisch-Westfälische Technische Hochschule Aachen (Германия), Colorado State Mining University (АҚШ), Górnska i hutniczych akademii Krakow (Польша), Technická univerzita Ostrava (Чехия), Минно-геоложки университет София (Болгария), Chinese geological university Wuhan (Хитой), Россия фанлар академияси Урал бўлимининг кончилик ишлари институти (Россия), Навоий давлат кончилик институтида (Ўзбекистон) олиб борилмоқда.

Кичик масштабли конларни қазиб олишда маъданнинг миқдор ва сифат йўқотилишларини минималлаштиришни таъминлаб берувчи оптимал қазиб олиш вариантларини асослаш бўйича амалга оширилган тадқиқотлар натижасида қатор илмий натижалар олинган, жумладан: кичик масштабли конлар карьерлари бортларининг чегаравий турғун қиялик бурчаклари тадқиқ қилинган ва асосланган ҳамда самарали параметрлари аниқланган (Россия фанлар академияси Урал бўлимининг кончилик ишлари институти, School of mining and technology of South Dakota); кичик масштабли олтин маъданли конларини қазиб олишда маъданларни очик усулда қазиб олиш технологиясини қуллаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган (Миллий тадқиқот технологик университети «МИСиС», Colorado State Mining University, Der Berguniversität Leoben, Урал давлат кончилик университети);

---

<sup>2</sup> Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи [www.atlasrockbit.com](http://www.atlasrockbit.com), <http://www.varelintl.com>, [www.dissercat.com](http://www.dissercat.com), <http://vbm.ru>, <https://www.amozon.com>, <http://www.mirknigi.ru> ва бошқа манбалар асосида ишлаб чиқилган.

ялпи портлатиш таъсири остида карьернинг чегара олди худудининг деформацияси аниқланган (L'école supérieure De montagnes de Paris, Der Berguniversität Leoben, Урал давлат кончилик университети, Chinese geological university Wuhan, Mining University in Xiuzhou); кичик масштабли олтин маъданли конларни қазиб олишнинг оптимал вариантлари танланган («O'zGEORANGMETLITI» ДУК ва Навоий давлат кончилик институти).

Жаҳонда кичик масштабли олтин маъданли конларни очик усулда қазиб олиш технологиясини ишлаб чиқишга оид қуйидаги устувор йўналишлар бўйича қатор тадқиқот ишлари амалга оширилмоқда: кичик масштабдаги ҳамда техноген олтин конларини ўзлаштиришнинг оқилона вариантларини ишлаб чиқиш; кичик масштабдаги ҳамда техноген конларни қазиб олишда руда оқимини бошқариш; кон қайта ишлов мажмуаларининг минерал ресурсларни ўзлаштиришининг самарадорлигини оширувчи усуллари ва воситаларини ишлаб чиқиш; табиий ва техноген конлар минерал ресурсларини бошқариш усулини ишлаб чиқиш; очик кон ишларида динамик кондицияларини қўллаш асосида хомашё базасини оператив бошқариш усуллари ишлаб чиқиш.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Очик усулда қазиб олиш параметрларини баҳолаш ва танлаш, ер қаъридан рационал фойдаланиш, кам чиқиндилар технологияларни ишлаб чиқиш бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижалари Н.В.Мельников, М.И.Агошков, В.В.Ржевский, П.И.Городецкий, Ю.П.Симаков, Ю.П.Юматов, А.И.Арсентьев, М.Г.Новожилов, К.Н.Трубецкой, Б.Н.Ласкорин, В.А.Шестаков, Н.Н.Мельников, В.Н.Мосинец, Ю.И.Анистратов, П.И.Томаков, П.П.Бастан, Ж.А.Бунин, Г.В.Секисов, С.А.Ильин, М.Е.Певзнер, В.Р.Хохряков, В.Г.Близнюков, В.В.Истомин, Н.Н.Медников, Т.А.Гатов, Я.М.Адигамов, Ф.Г.Грачев, Г.Г.Ломоносов, В.Н.Зарайский, С.С.Резниченко, В.Г.Шитарев, Г.А.Холодняков, В.И. Комашенко, Л.Н. Кашпар, А.А. Пешков, Н.Н. Чаплигин, А.М. Михайлов, В.Р. Рахимов, В.Н. Ситенков, В.С. Коваленко, В.С. Фелелов, С.Г. Чунихин ва бошқа кўплаб олимларнинг илмий ишларида баён этилган.

Ҳозирги вақтда конларнинг аксарияти нооқилона тарзда қазиб олинмоқда, чунки захираларни қазиб олиш фойдали компонентларнинг катта йўқотишлари, кўп миқдордаги чиқиндиларнинг шаклланиши ва конлар худудларида экологик вазиятнинг сезиларли даражада бузилиши билан кечмоқда. Фойдали компонентларни қазиб олишнинг тўлиқлигини ва атроф-муҳитнинг минимал экологик бузилиши билан захиралардан комплекс фойдаланишни таъминлайдиган оқилона технологияни амалга ошириш учун назарий асос яратиш зарур.

Ўзбекистон Республикасида В.Р.Рахимов, Б.Р.Раимжанов, Ю.Д.Норов, У.Ф.Насиров, И.Т.Мислибаев, Ш.Ш.Заиров, Н.И.Кучерский, О.Н.Мальгин, З.С.Назаров, С.К.Рубцов, В.Н.Ситенков, Е.А.Толстов, Ю.Э.Петросов, Ф.Я.Умаров, Ж.Б.Тошов, И.П.Бибик, С.А.Филиппов, П.А.Шеметов каби олимлар фаолиятида карьерларда бурғилаш-портлатиш ишлари (БПИ)ни олиб бориш усуллари ва технологияси, ялпи портлатишда карьерлар

бортларининг турғунлиги тадқиқ этилди, кон-маъдан массасида ноўлчамларнинг чиқишини камайтириш ва карьерлар бортларининг турғунлигини таъминланган ҳолда портлатиш ишларининг бошқарилувчи таъсири, карьер технологик оқидамида БПИ жараёнларини бошқаришни таъминловчи технологиялар такомиллаштирилган, секинлаштирувчи воситаларни қўллаган ҳолда портлатишнинг янги схемалари ишлаб чиқилган, БПИда асосий ва ёрдамчи материаллар сарфини оптималлаштиришнинг илмий асослари ишлаб чиқилган, тоғ жинсларини портлатиш усули билан майдалашда инкорлар сони қисқартирилган ва шу кабилар.

Хориж амалиётида карьерлар бортлари турғунлигини бошқариш усулларига бағишлаб Ю.И. Анистратов, В.Ф. Баранов, Е.Г. Баранов, Б.Н. Байков, Ф.А. Баум, В.А. Белин, В.А. Боровиков, Ю.А. Боровков, Л.А. Вайсберг, С.Д. Викторов, В.В. Галкин, Э.Л. Галустян, С.А. Гончаров, М.Ф. Друкованный, В.Н. Закалинский, Т.Т. Исмаилов, Н.Н. Казаков, Б.Н. Кутузов, С.В. Корнилков, В.Н. Мосинец, Н.В. Мельников, В.Д. Певзнер, М.Е. Морозов, И.И. Попов, В.Н. Попов, Б.Р. Ракишев, В.В. Ржевский, К.Н. Трубецкой, Б.П. Фисенко, Г.Л. Юматов, Ajoy K. Ghose, Akhilesh Joshi, Mark Kuchta, Richard L. Bullock, William A. Hustrulid ва бошқалар изланишлар олиб боришган. Улар бортлар турғунлигини таъминлаш, карьернинг чегаравий контурида скважина зарядлари конструкцияларини такомиллаштиришда ва карьер бортлари ҳолатини бошқариш усулларини ишлаб чиқишда салмоқли ютуқларга эришишган.

**Диссертация мавзусининг тадқиқот бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Навоий давлат кончилиқ институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг А13-009+А13-019-сон «Очиш ишлари ҳажмини қисқартириш учун карьер чегарасида портлатиш параметрларини такомиллаштириш ва технологиясини ишлаб чиқиш», БВ-Атех-2018-37-сон «Бурғулаш-портлатиш ишлари технологиясини ҳисобга олган ҳолда карьер бортларини мустаҳкам-конструктив қуриш технологиясини ишлаб чиқиш» ва 3-2019/ГД-сон «Кичик масштабли ва инфратузилмалардан узокдаги конларни қазиб олишда ресурсларни тежайдиган технологияларни ишлаб чиқиш» мавзуларидаги лойиҳалар доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** кичик масштабли олтин маъданли конларни қазиб олиш технологиясини ишлаб чиқишда коннинг ўзига хослигини инобатга олган ҳолда, карьернинг асосий ўлчамларини аниқлаш, шунингдек, конларни қазиб олиш ва қайта ишлаш яхлит мажмуасининг техник-иқтисодий кўрсаткичларини аниқлашдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

кичик масштабли конларни очик усулда қазиб олиш тажрибаларини ўрганиш ва таҳлил қилиш ҳамда Ауминзо-Амантай маъдан майдонидаги кичик масштабли конларни қазиб олиш технологиясини тадқиқ қилиш;

кичик масштабли конларни қазиб олишда маъданнинг миқдор ва сифат йўқотилишларини минималлаштиришни таъминлаб берувчи оптимал қазиб олиш вариантларини назарий тадқиқ қилиш ва асослаш;

маъданни миқдор ва сифат жиҳатидан йўқотилишларини поғона баландлиги ҳамда маъдан танасининг кўрсаткичларини аниқлашнинг графоаналитик методикасини тадқиқ қилиш ва ишлаб чиқиш;

кичик масштабли конларнинг хусусиятларидан келиб чиқиб карьерлар бортларининг чегаравий турғун қиялик бурчакларини графоаналитик моделини тадқиқ қилиш ва ишлаб чиқиш;

кичик масштабли конлар карьерлари бортларининг чегаравий турғун қиялик бурчакларини тадқиқ қилиш, асослаш ва танлаш;

карьерлар бортларининг чегаравий турғун қиялик бурчакларини ҳосил қилишда портлатиш ишларининг параметрларини тадқиқ қилиш ва асослаш;

кичик масштабли конлар гуруҳлари ҳамда маъданни қайта ишлаш учун жўнатиш пунктларининг географик жойлашувини ҳисобга олган ҳолда, маъданни саралаш станцияларини ўрнатиш жойларини аниқлаш;

кичик масштабли конларни қазиб олиш технологиясининг техник – иқтисодий кўрсаткичларини аниқлашнинг иқтисодий-математик моделини ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида кичик масштабли олтин маъданли конлари танланган.

**Тадқиқотнинг предмети** сифатида кичик масштабли олтин маъданли конларни қазиб олиш технологияси олинган.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Ишда тадқиқотнинг лаборатория ва ишлаб чиқариш шароитларида назарий ва тажрибавий тадқиқотлари, тизимли таҳлил ва синтез усуллари, математик моделлаштириш, тадқиқот натижаларини математик статистика ва корреляцион таҳлил қилиш каби усуллардан фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

Қизилқум ҳудудидаги кичик масштабли олтин маъданли конларнинг миқдорий, сифат, кон-геологик белгилари бўйича асосий хусусиятларидан келиб чиқиб, кичик масштабли олтин маъданли конларни қазиб олишнинг яратилаётган технологиясининг хусусиятларини аниқлаб берувчи белгилари аниқланган;

кичик масштабли олтин маъданли конларини қазиб олишда маъданнинг миқдор ва сифат жиҳатидан йўқотилишини аниқлашнинг графоаналитик усули ишлаб чиқилган;

ишлаб чиқилган методика асосида карьернинг хизмат қилиш муддати, захираларни қазиб олиш чуқурлиги ҳамда карьер бортидаги тоғ жинслари қатламларининг ётиш бурчакларига боғлиқ ҳолда кичик масштабли олтин маъданли конларни қазиб олиш карьерлари бортларининг умумий турғун қиялик бурчаги аниқланган;

кичик масштабли олтин маъданли конларини қазиб олиш карьерларининг якуний контури турғун бортини шакллантирувчи чегаравий ҳудудида портлатиш скважиналарининг параметрлари аниқланган;

илк бор Ауминзо-Амантай маъдан майдонида кичик масштабли олтин маъданли конлари алоҳида қазиб олиш ҳудудий зоналарига ажратилган;

маъданнинг миқдор ва сифат жиҳатидан йўқотилишининг камайишини, кон массаси ҳажмининг камайишини таъминлаб берувчи кичик масштабли олтин маъданли конларини қазиб олиш технологияси ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

поғона баландлиги, маъдан танасининг қалинлиги ҳамда ётиш бурчагини ҳисобга олган ҳолда, маъданнинг миқдор ва сифат жиҳатидан йўқотилиш кўрсаткичларини аниқлаш методикаси ишлаб чиқилган;

кичик масштабли олтин маъданли конларни қазиб олишда қазिश-юклаш ишларининг маъдан миқдор ва сифат жиҳатидан йўқотилишини камайтирувчи технологияси ишлаб чиқилган;

кичик масштабли олтин маъданли конларни қазиб олишда карьер бортининг оптимал-ҳисобий турғун қиялик бурчагини аниқлаш методикаси ишлаб чиқилган;

кичик масштабли олтин маъданли конларни қазиб олишда карьер бортининг турғунлигини ошириш учун мўлжалланган чегаравий портловчи скважиналарни қўллаш ўлчамлари аниқлаштирилган;

кичик масштабли олтин маъданли конлари гуруҳлари ва маъданни қайта ишлаш учун жўнатиш пунктларининг географик жойлашувидан келиб чиқиб, маъданни саралаш станцияларининг жойлашув ўринлари аниқланган;

маъданнинг миқдор ва сифат жиҳатидан йўқотилиш кўрсаткичлари ҳамда карьерлардаги кон массасининг ҳажмидан келиб чиқиб конни қазиб олиш ва қайта ишлаш комплексининг техник-иқтисодий кўрсаткичларини аниқловчи иқтисодий-математик модель ишлаб чиқилган;

Ауминзо-Амантай маъдан майдонидаги кичик масштабли олтин маъданли конларни қазиб олишда таклиф этилаётган технология синовдан ўтказилди ва самарадорлиги аниқланди.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Изланишлардан олинадиган натижалар вазифаларни аниқ қилиб қўйиш ва асосий вазифаларни замонавий усуллардан фойдаланиб бажариш, олтин маъданларини қазиб олиш корхонасининг ишлаш кўрсаткичларини аниқлаш учун белгиланган ҳажмдаги статистик ва лойиҳавий маълумотлардан фойдаланиш, илмий асосланган ёндашув ва қўлланилаётган технологияларнинг баҳоланиш методига асосан олтин маъданли конни қазиб олиш технологиясини қўллаш, математик моделлаштириш, моделлаштириш амалларининг натижалари асосида мантиқий қарама-қаршилик ва мослашувчанлик мантиқий якунини топиш, Қизилқум ҳудудидаги олтин маъданли конларни қазиб олишда ва лойиҳалаштиришда диссертация ишида олинган ижобий натижалар ва тавсияларни қўллашдаги салмоқли ҳажмдаги дала ва саноат тажрибалари орқали исботланган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.**

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти кичик масштабли конларни қазиб олишда кон ишлари ҳажмини сезиларли даражада камайтиришни таъминловчи карьер бортларининг турғун қиялик бурчагинининг

аниқланганлиги, карьер бортлари турғунлиги таъминланганлиги, казиш-юклаш ишларида маъданнинг миқдор ва сифат жиҳатидан йўқотилиш коэффициентлари кўрсаткичларини башоратли аниқлаш методикаси ишлаб чиқилганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти кичик масштабли маъдан конларини казиб олишда маъданнинг миқдор ва сифат жиҳатидан йўқотилиш кўрсаткичларини камайтириш усули ҳамда маъданни қайта ишлаш учун жўнатиш пунктларининг географик жойлашув жойлари аниқланганлиги билан тавсифланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Қизилқум худудидаги кичик масштабли олтин маъданли конларни очик усулда казиб олиш технологиясини ишлаб чиқиш бўйича олиб борилган тадқиқотлар асосида:

кичик масштабли олтин маъданли конларини казиб олишда маъданларни очик усулда казиб олиш технологияси «Навоий кон-металлургия комбинати» ДК Ауминзо-Амантай конида амалиётга жорий этилган («Навоий кон-металлургия комбинати» ДКнинг 2021 йил 4 январдаги 02-06-04/97-сон маълумотномаси). Натижада, бортлар қиялик бурчаклари лойиҳада қабул қилинганларга нисбатан ўзгартириш ва бу кон массасининг умумий ҳажмини 18068 минг м<sup>3</sup> га камайтириш имконини берган;

бортолди массивларини чегаравий портлатишнинг оқилона ўлчамлари «Навоий кон-металлургия комбинати» ДК Ауминзо-Амантай маъдан майдони олтин маъданли конлари карьерларида амалиётга жорий этилган («Навоий кон-металлургия комбинати» ДКнинг 2021 йил 4 январдаги 02-06-04/97-сон маълумотномаси). Натижада, поғоналар қиялигини ошириш, бўш тоғ жинсларининг ҳажмини камайтириш, чегаравий массивлар мустаҳкамлигини сақлаб қолиш ва кон ишларини хавфсиз олиб боришни таъминлаш имконини берган;

маъданларнинг миқдорий йўқотилиш ва сифатсизланиш коэффициентларининг кўрсаткичларини аниқлаш услуби «Навоий кон-металлургия комбинати» ДК Ауминзо-Амантай маъдан майдони олтин маъданли конлари карьерларида амалиётга жорий этилган («Навоий кон-металлургия комбинати» ДКнинг 2021 йил 4 январдаги 02-06-04/97-сон маълумотномаси). Натижада, 15 та карьердан кўшимча 178,88 кг олтин олиш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқотнинг натижалари 3 та республика ва 6 та халқаро илмий-амалий анжуманларда апробациядан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 27 та илмий ишлар чоп этилган, шулардан 1 та монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 11 та мақола нашр этилган, жумладан 8 та Республика нашрларида ва 3 та хорижий журналларда.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, олтита боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 177 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида олиб борилган тадқиқотнинг долзарблиги ва унга бўлган талаб, тадқиқот мақсади ва вазифалари асосланган, тадқиқот объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга қўлланилиши, нашр қилинган ишлар ва диссертация тузилиши келтирилган.

Диссертациянинг «**Кичик масштабли конларни очик усулда қазиб олиш бўйича тажрибалар шарҳи ва таҳлили**» деб номланган биринчи бобида, «кичик масштабли конлар» тушунчасини аниқлашнинг асосий мезонларини таҳлил қилиш, уларни қазиб олишнинг жаҳон тажрибаси, Ауминзо-Амантай маъдан майдонида кон ишларини олиб бориш ва тезкор разведка ишларини ўтказиш, Ауминзо-Амантай маъдан майдони олтин маъданли конларини қазиб олишда карьернинг чегаравий контуридаги бортларнинг оптимал қияликларини амалий шакллантириш, шу билан биргаликда Ауминзо-Амантай маъдан майдонлари таркибидаги конларнинг кон-геологик материалларининг асосий таҳлиллари ўтказилди.

Йирик олтин маъданли конлар захираларининг қисқариб бориши билан ўрта ва кичик масштабли қалинлиги кам маъдан таналари захираларини қазиб олишга жалб қилиш зарурати туғилади.

Ўтказилган изланишлар орқали Қизилқум ҳудудидаги кичик масштабли олтин маъданли конларнинг микдорий, сифат, кон-геологик белгилари бўйича асосий хусусиятларидан келиб чиқиб, кичик масштабли олтин маъданли конларни қазиб олишнинг яратилаётган технологиясининг хусусиятларини аниқлаб берувчи илмий принциплари ва белгилари аниқланди ҳамда тизимлаштирилди.

Ҳар бир кон ўзининг турлича тавсифига, ҳар хил техникалар ва қазиб олиш технологияларни талаб қилишига, шу билан бирга ўзгариб турадиган илгари дуч келинмаган йўқотилиш ва сифатсизланиш кўрсаткичларига эгадир.

Мавжуд таснифларга мувофиқ – кичик масштабли туб олтин маъданли конларига 10 тоннагача металл захираси бўлган объектлар тааллуқли. Ушбу диссертация ишида кичик масштабли олтин маъданли конлар сифатида конни қазиб олишнинг қуйидаги чегараловчи шароитларга эга бўлган карьерлари қабул қилинганлиги қуйида келтирилган 1-жадвалда кўрсатилган.

## Кичик масштабли олтин маъданли конларни чегараловчи шартлар

№	Кўрсаткич номи	Ўлчов бирликлари	Кўрсаткичлар
1.	Карьер чуқурлиги	м	50-80, (125)
2.	Захираларни қазиб олиш муддати	йил	1-3, (5) й. гача
3.	Кон бўйича металл захираси	тонна	10 т. дан ошмаган
4.	Маъдан танаси параметрлари		нисбатан кичик қалинликдаги маъдан танаси
5.	Қўлланиладиган ускуналар		нисбатан кичик ўлчамли ускуналар

Ауминзо-Амантай маъдан майдони кичик масштабли олтин маъданли конларни қазиб олиш лойиҳалари ишлаб чиқилди, улар 2-жадвалда келтирилган.

## Кичик масштабли олтин маъданли конлардаги тоғ жинсларининг физик-механик хусусиятлари ва маъдан таналарининг таснифлари

№	Карьер номи	Маъданда олтиннинг ўртача миқдори, г/т	Маъдан танаси қалинлиги ўзгариш диапазони, м	Коннинг физик механик хусусиятлари			
				Жинснинг мустаҳкамлик (каттиклик) коэффициенти	Майдalaniш коэффициенти	Маъдан танасининг ётиш бурчаги, °	Маъданнинг ҳажмий оғирлиги, г/см <sup>3</sup>
1.	Сарибатир	2,2	2,0-35,0	4-15	1,5	60-70	2,5
2.	Ғарбий Амантайтау	1,6	2,0-17,0	4-15	1,4	60-80	2,5
3.	Узунбулак	2,08	5,0	4-15	1,65	45-85	2,5
4.	Аксай	1,77	5,0-28,0	4-10	1,5	60-85	2,5
5.	Асаукак	3,86	2,0-7,0	7,8-12,1	1,66-1,71	65-85	2,7
6.	Шимолий Асаукак	1,66	4,0-22,6	4-10	1,5	60-75	2,5
7.	Срединный	1,4/1,23	4,0-22,0	4-10	1,5	60-80	2,5
8.	Тасказган	2,16/2,64	5,3-15,5	4-10	1,5	70-85	2,5
9.	Шимолий Даугизтау	1,31	4,0-34,0	4-10	1,5	50-85	2,5
10.	Шимолий - Ғарбий	1,1/1,38	4,0-28,0	4-10	1,5	55-85	2,5
11.	Ясаул	1,1/1,43	3,0-21,0	4-10	1,5	65-85	2,5
12.	Тумшуктау	0,94/1,15	4,0-54,0	4-10	1,5	60-80	2,5
13.	Ғарбий Карасай	1,21/1,35	4,0-26,0	4-10	1,5	50-85	2,5
14.	Шимолий - Шарқий	1,35	3,0-21,0	4-10	1,5	65-85	2,5
15.	Колчиктау	1,76	5-32,5	1,3-7,5	1,5	60-80	2,55

Диссертациянинг «Ауминзо-Амантай маъдан майдонида кичик масштабли конларни қазиб олиш технологиясини тадқиқ қилиш» деб номланган иккинчи бобида, Ауминзо-Амантай маъдан майдонида жойлашган конларни қазиб олиш бўйича техник ечимлар, олтин маъданли кичик масштабли конларни қазиб олиш технологиясини тадқиқ қилиш ҳамда

конларни қазиб олишда сифат ва миқдор кўрсаткичларини ўрганишга бағишланган.

Тадқиқотлар натижаси шуни кўрсатадики, маъдан захираларининг кам ҳажмлилиги ва узоқлиги, Ауминзо-Амантой конида қазиб олинган кичик қалинликдаги маъдан таналарида қўлланиладиган техника ва технологияга қўйиладиган қуйидаги талабларга жавоб бериши лозим:

ускуналар мобиллашган бўлиши ва алоҳида келиш йўллари куришни талаб этмайдиган бўлиши шарт;

муҳандислик коммуникациялари ўтказиш зарурияти бўлмаслиги лозим (электр узатиш тармоқлари – ЭУТ, техник сувлар, газ тармоғи ва б.);

ускуналар тоғли ҳудудларнинг нишабликларида қўлланиш имкониятига эга бўлиши керак;


ускуналар барча кон-транспорт ускуналарининг максимал унумдорлик кўрсаткичларида қўлланилишини таъминлаши шарт;

транспорт ускуналарини бошқа турдаги юкловчи ускуналар билан қўллаш имконияти бўлиши керак (карьерларда фронтал юклагичларни қўллаш);

маъданларнинг сифатини сақлаган ҳолда максимал даражада қазиб олиншини таъминлаш.

Ауминзо-Амантай маъдан майдони конларининг маъдан таналарини ўртача қалинлиги 2 метрдан 54 метргача ўзгариб, ўртача қалинлик 5 дан 10 метргача ўзгаради. Маъдан таналарининг ётиш чизиғи бўйича узунлиги 15-30 метрдан 1000 метргача, чуқурлиги эса 25 метрдан 200-250 метргача етади. Маъдан залежларининг ётиш бурчаги 30-85°ни ташкил этади.

Ауминзо-Амантай конида эксплуатация қилинаётган карьерларида маъданнинг миқдор жиҳатидан йўқотилиши 4,3 дан 7,1% гача ва сифат жиҳатидан йўқотилиши 9,1 дан 15,0% гача етади (1-расм).



■ - маъдан йўқотилиши, %; ■ - маъданнинг сифатсизланиши, %

**1 – расм. Маъданларнинг миқдорий йўқотилиши ва сифатсизланишининг лойиҳавий кўрсаткичлари**

Диссертациянинг «Кичик масштабли олтин таркибли маъдан конларини қазиб олишда маъданнинг миқдор ва сифат жиҳатидан минимал йўқотилишини таъминлаб берувчи оптимал вариантларини


**асослаш ва назарий изланишлар олиб бориш»** деб номланган учинчи бобида, маъдан танаси параметрлари ва казиб олинадиган поғона баландлигидан келиб чиқиб, кичик масштабли олтин маъданли конлар шароитлари учун миқдор ва сифат жиҳатидан йўқотилишни графоаналитик усулда аниқлаш методикаси ишлаб чиқилган.

Миқдор ва сифат жиҳатидан йўқотилиш параметрларини аниқлаш бўйича бажарилган ҳисоб-китоб ишлари шуни кўрсатадики, Ауминзо-Амантай маъдан майдонидаги маъдан таналарининг морфологиясидан келиб чиқиб, лойиҳаларда келтириб ўтилган миқдор ва сифат жиҳатидан йўқотилиш параметрларининг чегаравий кўрсаткичларини таъминлаш учун маъдан таналарини қазиб олиш баландлиги 2,5 м бўлган поғоналарни (нимпоғоналарни) шакллантириш тавсия этилади.

Бундан ташқари, шуни таъкидлаш жоизки, баландлиги 2,5 м бўлган поғоналар (нимпоғоналар) билан қазиб олиш маъдан массасининг миқдор ва сифат жиҳатидан йўқотилиш параметрларини унча катта бўлмаган чегарада камайтиради, бундан охир-оқибат тайёр маҳсулот таннархининг маълум миқдорда камайишига олиб келади.

Маъданнинг миқдор ва сифат жиҳатидан йўқотилиш коэффициентларининг ҳисобланган кўрсаткичларини аниқлаш учун математик ва графоаналитик модели (ҳисоб-китоблар ва операцияларнинг тартиби ва кетма-кетлиги) ишлаб чиқилган. Маъданнинг миқдор ва сифат жиҳатидан йўқотилиш кўрсаткичларини аниқлашнинг принципиал схемаси 2-расмда келтирилган.

Маъдан зонаси ҳудудлари, 5м ва 2,5м поғоналарнинг қазилмайdonлари нуқталарининг координаталарини кетма-кет аниқлаш, математик модель асосида яратилган график-аналитик усул билан маъданнинг миқдор ва сифат жиҳатидан йўқотилишини аниқлаш схематик диаграммаси асосида амалга оширилади.



**2-расм. Маъдан миқдор ва сифат жиҳатидан йўқотилиш кўрсаткичларини аниқлашнинг принципиал схемаси**

Қўллашга тавсия этилаётган казиб олиш вариантыга асосан, ҳисоб-китоблар кетма-кетлиги қуйидаги формулалар асосида амалга оширилади (2,5 метрлик нимпоғона учун):

Биринчи навбатда, қайси нимпоғонани ҳисоблаш кераклигини аниқлаш. Кўриб чиқилаётган вариант учун  $Y=0$  дан  $Y=2,5$  гача биринчи нимпоғонани танлаймиз.

Қазиш майдонини аниқлаш учун барча 4 нуқталарнинг  $X$  координаталарини (шартли) (1-2-3-4) казиш майдонини аниқлаш лозим. 2-нуқта  $X$  координатасини аниқлаш учун қуйидаги формула қўлланилади:

$$K_{2,5.казиш}^2 = \frac{K_{руда}^1 + K_{руда}^2}{2} + \Delta_{2,5.қўш.олиш}, \quad (1)$$

$\Delta_{2,5.қўш.олиш}$  га тенглаштирилди 60%  $\Delta_{5.қўш.олиш}$  ёки

$$\Delta_{2,5.қўш.олиш} = 0,6 \cdot \Delta_{5.қўш.олиш}$$

1-нуқта  $X$  координатасини аниқлаш учун қуйидаги формула қўлланилади:

$$K_{2,5.казиш}^1 = K_{2,5.казиш}^2 - \frac{K_{5.казиш}^2}{2}, \quad (2)$$

4-нуқта  $X$  координатасини аниқлаш учун қуйидаги формула қўлланилади:

$$K_{2,5.казиш}^4 = K_{руда}^4 - \Delta_{2,5.казиш}, \quad (3)$$

3-нуқта  $X$  координатасини аниқлаш учун қуйидаги формуладан фойдаланилади:

$$K_{2,5.казиш}^3 = K_{2,5.казиш}^4 + K_{2,5.казиш}^2 - K_{2,5.казиш}^1, \quad (4)$$

Кейинчалик юқори нимпоғонани 4 нуқтасини аниқлаймиз. 6-нуқта  $X$  координатаси қуйидаги формула ёрдамида аниқланади:

$$K_{2,5.казиш}^6 = K_{руда}^2 + \Delta_{2,5.казиш}, \quad (5)$$

5-нуқтанинг  $X$  координатасини аниқлаш учун қуйидаги формула қўлланилади:

$$K_{2,5.казиш}^5 = K_{2,5.казиш}^6 - \frac{K_{5.казиш}^2}{2}, \quad (6)$$

8-нуқтанинг  $X$  координатасини аниқлаш учун қуйидаги формула қўлланилади:

$$K_{2,5.казиш}^8 = \frac{K_{руда}^3 + K_{руда}^4}{2} - \Delta_{2,5.қўш.олиш}, \quad (7)$$

Охириги 7 нуқтанинг  $X$  координатасини аниқлаш учун қуйидаги формула қўлланилади:

$$K_{2,5.казиш}^7 = K_{2,5.казиш}^8 + \frac{K_{5.казиш}^2}{2}, \quad (8)$$

Нимпоғона усули билан қазиб олишни кўриб чиқишда Y 1 ва 4-нукта координаталари Y = 0 га, Y 2, 3, 5 ва 8 нукталар координатаси Y=2,5 га (яъни нимпоғона баландлигига тенг), Y 6 ва 7-нукталарни эса Y =5 га тенг деб оламиз.

Маъдан танасининг майдонини аниқлаш қуйидаги формула бўйича амалга оширилади:

$$S_{2,5.руда} = \frac{S_{руда}}{2}, \quad (9)$$

Эксплуатация қилинган маъданнинг қазиш юзаси қуйидаги формула билан аниқланади:

$$S_{2,5.дрм} = \frac{h}{2} \cdot \frac{Ш_{\frac{h}{2}}}{2}, \quad (10)$$

бу ерда,  $\frac{Ш_{\frac{h}{2}}}{2}$  -экскаваторнинг 2,5 метрли поғонада маъданга кириш кенлиги, м.

$$\frac{Ш_{\frac{h}{2}}}{2} = K_{2,5.казиш}^4 - K_{2,5.казиш}^1, \quad (11)$$

Маъданнинг миқдор жиҳатидан йўқотилиши (қазиш контурига кирмайдиган) қуйидаги формуладан аниқланади:

$$S_{2,5.йўк}^1 = S_{2,5.йўк}^2 = \frac{\Delta_{2,5.қўш.олиш}}{2} \cdot \frac{\Delta_{2,5.қўш.олиш} \cdot \sin \beta \cdot \sin(180 - \alpha)}{\sin(\alpha - \beta)}, \quad (12)$$

Маъдан йўқотилиши йиғиндиси қуйидагича аниқланади:

$$\Sigma S_{2,5.йўк} = S_{2,5.йўк}^1 + S_{2,5.йўк}^2, \quad (13)$$

Маъданнинг сифат жиҳатидан йўқотилиши (қазиш контурига кирадиган) қуйидаги формуладан аниқланади:

$$S_{2,5.сиф}^1 = S_{2,5.сиф}^2 = \left( \frac{K_{руда}^1 - K_{2,5.казиш}^1}{2} \right)^2 \cdot \frac{\sin \beta \cdot \sin(180 - \alpha)}{\sin(\alpha - \beta)}, \quad (14)$$

Маъданнинг сифат жиҳатидан йўқотилиши йиғиндиси қуйидагича аниқланади:

$$\Sigma S_{2,5.сиф} = S_{2,5.сиф}^1 + S_{2,5.сиф}^2, \quad (15)$$

Маъданнинг миқдор жиҳатидан йўқотилиши қуйидаги формуладан аниқланади, %:

$$\Pi = \frac{\Sigma S_{2,5.йўк}}{S_{2,5.руда}}, \quad (16)$$

Маъданнинг сифат жиҳатидан йўқотилиши қуйидаги формуладан аниқланади, %:

$$P = \frac{\Sigma S_{2,5.cиф}}{S_{2,5\delta pm}}, \quad (17)$$

Ишлаб чиқилган математик ва графоаналитик моделга биноан олиб борилган ҳисоб-китобларга кўра, қуйидаги хулосаларни чиқариш мумкин:

маъданнинг миқдор ва сифат жиҳатидан йўқотилиши коэффицентларининг пасайиши эвазига маъдандаги ўртача металл таркиби ошади, маъдан миқдори камаяди, энг асосийси кўриб чиқилган 15 та карьерлардан олинган металлнинг умумий миқдори (ўртача 0,55% ёки 178,88 кг.га) ортади;

экскаватор-автомобиль комплекси унумдорлигининг пасайишига қарамай, маъдан танасини  $h = 2,5$ м баландликдаги поғонача билан қазиб олишга ўтиш қарори тавсия этилади, шундагина, кўриб чиқиладиган конларда лойиҳадагидан кўра зиёдроқ металл олиш имкони мавжуд бўлади (лойиҳалаш ҳужжатлари мавжуд бўлган 15 та кон);

маъдан танаси морфологияси мураккаблиги ва боғлиқлигида, маъданнинг миқдор ва сифат жиҳатидан йўқотилиш кўрсаткичлари ўзгарувчан бўлади;

маъданнинг ўртача қалинлиги ошиши билан маъданнинг миқдор ва сифат жиҳатидан йўқотилиши пасаяди;

маъдан танасининг ётиш бурчаги ўсиши билан маъданнинг миқдор жиҳатдан йўқотилиши ошади;


маъданнинг миқдор ва сифат жиҳатидан йўқотилиши қўлланиладиган қазиб-юкловчи машина турига ва маъдан танасининг қайси томондан қазилишига боғлиқ (маъдан танасининг осма ён томонидан, ётиқ ён томонидан, чўзилган томонидан ва чўзилган томон бурчаги остида).

Ишлаб чиқилган графоаналитик услуб асосида кўриб чиқилган барча 15та карьерлар бўйича маъданнинг миқдор ва сифат жиҳатидан йўқотилиш кўрсаткичлари аниқланди.

3-расмда Асаукак карьерида поғона баландлигидан келиб чиқиб маъданнинг эксплуатацион захиралари, маъданнинг миқдор ва сифат жиҳатидан йўқотилиш кўрсаткичлари ва маъданда металл таркиби миқдорининг ўзгариши келтирилган.

Тадқиқот ишлари натижасида олинган ҳамда мавжуд (лойиҳавий) маъданнинг миқдор ва сифат жиҳатидан йўқотилиш кўрсаткичлари 15 та карьерлар бўйича 3-жадвалда қиёслаб чиқилган.

Диссертациянинг «Карьер бортлари турғун қиялик бурчакларини аниқлаш ҳамда конструкциясини танлаш ва асослаш» деб номланган тўртинчи бобида, бортларнинг қиялиги турғунлигини баҳолаш усули назарий асосланган, захираларнинг хизмат муддати ва қазиб олиш чуқурлигини аниқлаган ҳолда, қазиб олинадиган кичик масштабли олтин маъданли конларида карьер бортининг асосий қиялик бурчакларида назарий асосланган.



**3-расм. Асаукак каръери мисолида руда, металлниг эксплуатацион захираси ва рудада металлниг ўртача таркиби ўзгаришининг поғона баландлигига боғлиқлиги графиги**

3-жадвал

Кўриб чиқиладиган карьерларда мавжуд ва изланиш натижаларида олинган карьерларнинг кўрсаткичлари қиёсланган жадвал

Қазиб олинadиган баланс (геологик) захиралар			Эксплуатацион захиралар		
Маъданнинг захираси, минг. т	Маъданда металлниг ўртача миқдори, г/т	Олтин захираси, кг	Маъданнинг захираси, минг.т	Маъданда металлниг ўртача миқдори, г/т	Олтин захираси, кг
Жами кўриб чиқиладиган карьерлар бўйича (Ғарбий Амантайтау, Узунбулак, Аксай, Сарибатир, Асаукак, Шимолий Асаукак, Срединный, Тасказган, Шимолий Даугизтау, Шимолий - Ғарбий, Ясаул, Тумшуктау, Ғарбий Карасай, Шимолий – Шаркий, Колчиктау)					
Поғона баландлиги 5 м бўлган блокларни қазиб олишнинг лойиҳавий қийматлари					
18 802.44	1.84	34 612.87	20 306.77	1.61	32 770.12
Поғона баландлиги 5 м бўлган блокларни қазиб олишнинг ҳисобланган қийматлари					
18 802.44	1.84	34 612.87	21 150.93	1.54	32 595.17
Поғона баландлиги 2.5 м бўлган блокларни қазиб олишнинг ҳисобланган қийматлари					
18 802.44	1.84	34 612.87	19 810.72	1.66	32 949.00
Ҳисобланган қийматлар ўртасидаги фарқ (лойиҳа билан)				0.05	178.88

Кичик масштаби олтин маъданли конларни қазиб олишда карьерлар бортларининг оптимал ҳисобланган турғун қиялик бурчакларини аниқлаш методикаси ишлаб чиқилди.

Қазиб олинadиган кичик масштаби олтин маъданли конлар карьерларининг якуний чегараларининг турғун бортларини шакллантирувчи чегаравий портловчи скважина ўлчамлари тавсия этилди.

Ишлаб чиқариш амалиётида бортларнинг қиялик бурчакларини ҳисоблаш бир жинсли геологик тузилишга эга бўлган участкалар бўйича амалга оширилади. Ҳар бир участкада борт чўзиқлигига кўндаланг равишда батафсил геологик қирқим тузилади. Ушбу геологик қирқимда карьер бортларининг ўлчамларини аниқловчи барча қийматлар келтирилган. Турғунликни ҳисоблашда, умумий ҳолда борт турғунлигини баҳолашдан ташқари тўлиқ баландликка эга бўлмаган бортлар участкаларининг (алоҳида қалин қатламлар, поғоналар гуруҳлари ва б.) турғунлигини ҳисоблашни амалга ошириш зарур. Ушбу участкаларнинг муҳандислик-геологик

хусусиятларини ва уларнинг зарур бўлган турғунлик захиралари коэффициентларини таъминлашни ҳисобга олади.

Карьер бортининг турғун қиялик бурчагини аниқлаш қуйидаги кетма-кетликда амалга оширилади:

а)  $H_{90}$  катталигини ҳисобланган кўрсаткичлар бўйича аниқлаймиз:

$$H_{90} = \frac{2 \cdot k_n}{\gamma} \cdot \operatorname{ctg} \left( 45^\circ - \frac{\rho_n}{2} \right), \quad (18)$$

б) бортнинг  $H'$  шартли баландлигини ҳисоблаймиз:

$$H' = \frac{H}{H_{90}}, \quad (19)$$

Кичик масштабли ва инфратузилмадан олисда бўлган конларни қазиб олиш учун, қазиб олинган кондаги карьерлар поғона ва бортларининг максимал қиялик бурчакларини аниқлаш масаласини назарда тутувчи, ушбу формулага  $n_1$ , коэффициентини киритиш тавсия этилди. Ушбу коэффициент конни қазиб олиш муддатини, тоғ жинсларининг физик-механик хусусиятларини ва лойихаланадиган карьерларнинг кичик чуқурликларини ҳисобга олади.

Бунда, ҳисоблашда қуйидаги кўрсаткичлар қўлланилади:

